



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг 01/2019-сонли баённомасидан кўчирма

Манзил: «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ биноси,
Тошкент ш. Шахрисабз кўчаси, 3

2019 йил 28 июнь
иш вақти 11.00-13.00

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларнинг 2018 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишини Банк Кенгаши аъзоси – У.Мухтаров очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк Кенгаши томонидан 2019 йил 30 майда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

2019 йил 31 май ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисида хабар “Тошкент” РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали ҳамда банкнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2019 йил 24 июнь деб белгиланди.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2019 йил 24 июнь ҳолатига шакллантирилган. Мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акциялар эгалари йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2019 йил 24 июнь ҳолатига Банкнинг Устав капитали 2 169 156 019 947 (*икки триллион бир юз олتمини тўққиз миллиард бир юз эллик олти миллион ўн тўққиз минг тўққиз юз қирқ етти*) сўми ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 2 162 126 019 947 (*икки триллион бир юз олتمини икки миллиард бир юз йигирма олти миллион ўн тўққиз минг тўққиз юз қирқ етти*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 113 796 106 313 (*бир юз ўн уч миллиард етти юз тўқсон олти миллион бир юз олти минг уч юз ўн уч*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
- умумий қиймати 7 030 000 000 (*етти миллиард ўттиз миллион*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 370 000 000 (*уч юз етмиш миллион*) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворум тупланганлиги*) бўйича сўз Санок комиссиясининг раиси – Жасур Матназаровга берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2019 йил 24 июнь ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 113 796 106 313 (*бир юз ўн уч миллиард етти юз тўқсон олти миллион бир юз олти минг уч юз ўн уч*) дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 619 (*беш минг олти юз ўн тўққиз*)та акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси раиси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 103.398.875.550 (*бир юз уч миллиард уч юз тўқсон саккиз миллион саккиз юз етмиш беш минг беш юз эллик*) дона ёки 90,86 фоизига эгалик қилувчи 17 (*ўн етти*) нафар акциядор ва

акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Банк Кенгаши аъзоси – У.Мухтаров банк Акциядорларининг Умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ҳамда йиғилишда банкнинг йирик акциядори - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги номидан бош мутахассис – Ш.Абдуазимов ҳамда бошқа акциядорлар ва уларнинг вакиллари, Банкнинг Кенгаши аъзоси Ш.Абдужаббаров, Банкнинг Бошқарув аъзолари ва масъул ходимлари шунингдек, ташки аудит вакили иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш ҳайъати: У.Мухтаров (Раислик қилувчи), Ш.Абдуазимов, Ш.Абдужаббаров, А.Воитов, Я.Абдуроззоков, З.Азимов, Б.Норхужаев, О.Воҳидов.

Йиғилиш қотибияти: З.Баймурадова, А.Визер.

Саноқ комиссияси: Д.Абдукадиров, Ж.Матназаров, Л.Байманова.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Банк Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини эшитиш.

3. Банкнинг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

5. Банк фойдасини тақсимлаш.

6. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.

7. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

8. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш.

9. 2019 молия йили бўйича Банкда аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш.

10. Банкнинг “2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни тасдиқлаш ва Банкнинг “2018-2022 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни бекор қилиш.

11. Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш.

12. Банкнинг янги эмблемаси (логотипи)ни тасдиқлаш.

13. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

14. Банк акциядорларининг умумий йиғилиш тўғрисидаги низом (регламент)ни янги таҳрирда тасдиқлаш.

15. Банк Кенгаши тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

16. Банк Бошқаруви тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

Умумий йиғилишни иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

• Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи - бўйича маърузачига 20 дақиқача вақт бериш;

- Тафтиш комиссиясининг хулосаси бўйича маърузачига 20 дақиқагача;
- Марузалар бўйича муҳокамага - 10 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 40 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 10 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги биринчи масала - “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш” масаласи юзасидан Банк Бошқаруви Раиси – А.Воитов маъруза қилди ва йиғилиш иштирокчиларига Банк жамоаси томонидан 2018 йилда эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида банкни трансформация жараёни доирасида режалаштирилган ишлар ва истикболда эришиш учун белгиланган кўрсаткичлари бўйича видеолавҳа намойиш этилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала - “Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш” масаласи бўйича Тафтиш комиссияси Раиси Н.Дарвишев маъруза қилди.

Кун тартибидаги учинчи масала - “Банкнинг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш” масаласи бўйича Банк Бошқаруви Раиси – А.Воитов 2018 йил фаолияти давомида Банк томонидан эришилган молиявий кўрсаткичларига қисқача тўхталиб ўтди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала, бўйича Умумий йиғилиш Раиси У.Мухтаров тушунтириш бериб ўтди. Йиғилиш Раиси ўз сўзида Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш учун ваколатли баҳолаш ташкилоти томонидан текширувдан ўтказилиши белгиланганлигини маълум қилди.

Ушбу белгиланган талабларни бажариш мақсадида 2018 йил “Naymon Invest Consulting” МЧЖ (мустақил ташкилот) томонидан баҳолашдан ўтказилди ва Банкнинг корпоратив бошқарув тизими фаолияти 1031 балл 85,92% баҳоланиб, “Юкори” деб топилди (хулоса илова қилинади). Шунингдек, ушбу масала бўйича сўз “Freedom Finance” инвестиция компанияси ижрочи директори Евгений Можейкога берилди. Е.Можейко ўз сўзида компания ва Банк билан ўзаро бир йилдан бери ҳамкорлик қилинаётгани, бунда банкнинг бир дونا оддий акцияси бозор нархи 27,2 сўмда баҳоланиши, Банкнинг “2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни қабул қилиниши, Банк Бошқаруви билан Ўзбекистонда илк бор “Инвестор куни” тадбирини ўтказилиши менеджментнинг шаффофлигини таъминлашда ва инвестиция муҳитини янада яхшилашда, шунингдек Компания томонидан Банкнинг келажақдаги инвестиция истикболи ижобий деб баҳоланиб, Банкнинг оддий акцияларини сотилиши бўйича андеррайтинг хизматларини кўрсатиш юзасидан Банк ва компания ўртасида меморандум тузишга замин яратганлигини маълум қилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала, бўйича Умумий йиғилиш Раиси У.Мухтаров тушунтириш бериб ўтди. Йиғилиш Раиси ўз сўзида мазкур масала Банк Кенгашининг 2019 йил 20 июндаги йиғилиш баённомаси билан дастлабки тарзда кўриб чиқилганлиги ва тасдиқланганлигини ҳамда ушбу масала бўйича тавсиялар тарқатма материалларда келтирилганлигини маълум қилди.

Акциядорлар томонидан Банкнинг 2018 йил натижалари бўйича шаклланган соф фойданинг тақсимланиши юзасидан берилган саволларга Банк Бошқаруви Раиси ўринбосари Я.Абдуроззоков тушунтириш берди. Яъни Банкнинг соф фойдани тақсимладиган қисмида Банкнинг захира капитали таркибида сифати “стандарт” деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг бир фоизи миқдорида стандарт активларга яратиладиган захира шакллантирилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни коплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарорининг 11-бандига асосан амалга оширилишини маълум қилди.

Кун тартибидаги олтинчи ҳамда еттинчи масалалар, яъни Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига акциядорлар вакилларини сайлаш масалалари, бўйича Умумий йиғилиш Раиси У.Мухтаров Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

356-сонли қарори 1 бандига асосан “хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзолигига давлат улуши бўйича: устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бўйича – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда номзодлар кўрсатиш тартиби жорий қилинганлигини маълум қилиб, давлат улуши бўйича Банкнинг Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайлаш учун киритилган номзодлар қайта тақдим этилганлиги муносабати билан ушбу масалаларни кўриб чиқишни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдириш ва мазкур акциядорлар умумий йиғилишини жорий йил июль ойи якунигача ўтказиш таклифини киритиб, кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқишсиз қолдиришни овозга қўйди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала, бўйича Умумий йиғилиш Раиси У.Мухтаров тушунтиришлар бериб, ўз сўзида Банкнинг бир маромда фаолият юритганлиги, Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Бизнес режада ўрнатилган барча молиявий кўрсаткичлар бажарилганлигини, меҳнат жамоаси томонидан ҳисобот йили давомида 236 884,1 млн.сўм соф фойда олишга эришилганини, Банк Бошқаруви томонидан трансформация жараёнларини фаол ва шиддат билан олиб борганини ва ушбу йўналишда салмоқли ютуқларга эришганини таъкидлаб ўтди.

Ҳисобот йилида Банк рейтингини нуфузли “Standard&Poor’s” халқаро рейтинг агентлиги “B+” ва “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “BB-” даражада тасдиқланди.

Шу билан бирга, банкнинг 2018 йилдаги фаолияти яқунлари “Ahbor-Reyting” миллий рейтинг компанияси томонидан ҳам миллий шкала бўйича “Барқарор” прогнози билан “uzA+” даражаси рейтингини билан яна бир бор эътироф этилди.

Банк Кенгашининг мажлисида Банк Бошқарув аъзолари Бошқарув Раиси Азиз Ботирович Воитов, Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Сахи Сапармухамедович Аннакличев, Бошқарув Раиси ўринбосарлари Яшин Мамаражабович Абдуроззоқов, Анваржон Абдумажидович Эргашев ва Зафар Абдумажидович Азимов, Юридик департамент директори Бахриддин Нуритдинович Норхужаев, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори Ойбек Розикович Вохидов билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш масаласи дастлабки тарзда ижобий кўриб чиқилганлиги тўғрисида маълум қилди.

Ўз навбатида, Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили Ш. Юнусов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли қарорининг 5-бандига асосан, хўжалик жамиятининг ижро органи раҳбари ва раҳбар ўринбосарлари танлов асосида юқори малакали, шу жумладан хорижий мутахассислар орасидан танлаб олиниши белгиланганлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбари ва раҳбар ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Аммо, бугунги кунда банк Бошқаруви раиси ва ўринбосарларини лавозимига танлаб олиш бўйича Регламент мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2019 йил 19 июлдаги 02/1-160-сонли топширигига асосан, хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбари ва ўринбосарлари лавозимига танлов ўтказишнинг Намунавий регламентини уларнинг бошқарув органлари йиғилишларида кўриб чиқиш топшириги берилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, танлов асосида банк раҳбарларини тайинлаш белгиланган тартибда Регламент тасдиқлангандан сўнг амалга оширилишини, шунингдек тегишли инстанция билан келишилган тарзда банк Бошқаруви аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йилга узайтириш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала, бўйича сўз Банк Бошқаруви аъзоси Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори – Бош бухгалтер О.Воҳидовга берилди. О.Воҳидов ўз сўзида 2019 молия йили бўйича Банкда аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Deloitte & Touche” МЧЖ ва “KPMG” МЧЖ аудиторлик ташкилотлари томонидан тижорат таклифлари олинганлиги ва аудиторнинг йиллик хизмат ҳақи бюллетенда кўрсатилганлиги тўғрисида маълум қилди.

“Банк Бошқаруви қайси аудиторлик компанияни тавсия этади?” - акциядорлар томонидан берилган саволга Бош бухгалтер О.Воҳидов “Deloitte & Touche” МЧЖ компанияси билан ҳамкорликни давом эттиришни мақсадга мувофиқлигини маълум қилди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала, бўйича Умумий йиғилиш Раиси У.Мухтаров тушунтиришлар бериб, ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4071-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, Банк фаолияти хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили ва банк хизматларини янада кенгайтириш мақсадида илғор амалиёт ва халқаро стандартлар асосида Банкни ривожлантиришнинг стратегияси ишлаб чиқилгани, шу муносабат билан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни тасдиқлаш ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2018-2022 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни бекор қилиш масаласи акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритилгани тўғрисида маълум қилди (илова қилинади).

Кун тартибидаги ўн биринчи масала, бўйича Умумий йиғилиш Раиси У.Мухтаров тушунтиришлар бериб, ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни энг илғор тажриба ва халқаро стандартлар асосида иш юритадиган, молиявий жихатдан барқарор ва рақобатбардош муассасага айлантириш, мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек Бош банк ташкилий тузилмасини янада оптималлаштириш ва функционал вазифаларни аниқ белгилаш орқали иш самарадорлигини оширишни тартибли ташкил этиш мақсадида, Банкнинг ташкилий тузилмаси қайтадан ишлаб чиқилгани, Банкнинг янги ташкилий тузилмаси тарқатма материалларда келтирилганлиги тўғрисида маълум қилди (илова қилинади).

“Янги тузилган Бош Банк ташкилий тузилмаси иш ҳақи фондида қандай таъсир ўтказди?” - акциядор вакили Ш.Юнусов саволига Банк Бошқаруви аъзоси Бош бухгалтер О.Воҳидовга жавоб берди.

2018 йил 14 декабрда Банк акциядорлари томонидан тасдиқланган Бош банк ташкилий тузилмасига кўра лавозим штат бирликлар сони 566,5 та (иш ҳақи фонди 712,48 млн.сўм) бўлган.

2019 йил 27 июнь ҳолатига Бош банк лавозим штат бирликлар сони 620,5 тапи (иш ҳақи фонди 781,35 млн.сўм) ташкил этиб, 2018 йил 14 декабрда нисбатан штат бирликлари 54 тага (иш ҳақи фонди 68,87 млн.сўмга) кўпайгани. Ушбу кўпайган штат бирликлар куйидаги таркибий бўлинмаларни янгидан ташкил этиш ёки аксинча қайта ташкил этиш ҳисобига ошган (илова қилинади).

“Банк ахборот-маълумот хизмати бўлими (Call-center) 10 та бирлик ташкил этилди, ушбу бўлим очмасдан аутсорсинг хизматлардан фойдаланганлиги яхшимасми?” - акциядор вакили Ш.Юнусов саволига ҳисобот йилида ҳақиқатда бир ходимга шаклланган соф фойдани (540 млн.сўм) кўрсаткичи жадал ўсиши (49%га) инobatга олинганлиги ва ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб ушбу масала муҳокамага чиқарилганлиги, Банкнинг Call-center очилгандан сўнг мижозлар томонидан маълумот олиш даражаси ошганлиги маълум қилинди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала, бўйича Умумий йиғилиш Раиси У.Мухтаров тушунтиришлар бериб, ўз сўзида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг замонавий имиджини шакллантириш, безак бериш, дизайн, полиграфик ва реклама маҳсулотларини тайёрлашни ягона стандартга келтирувчи, шунингдек банк мижозлари, ҳамкорлари томонидан танилиши, эслаб қолиниши ҳамда ўзлаштирилиши имкониятини берувчи банкнинг янги эмблемаси (логотипи) ва

янги тахрирдаги “Корпоратив рамзлардан фойдаланиш қўлланмаси” (Брэндбуки) ишлаб чиқилганлигини, ушбу банк эмблемасини тасдиқлаш ва Банк Уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида маъруза қилди (илова қилинади).

Кун тартибидаги ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи масалалар, яъни Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида, “Банк акциядорларининг умумий йиғилиш тўғрисида”ги Низом (регламент)ни янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомни янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида, “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низомни янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида, масалалари бўйича сўз Банк Юридик департамент директори Б.Норхужаев маъруза қилди (илова қилинади).

Кун тартибидаги масалалар муҳокамасида қуйидаги акциядорлар вакиллари сўзга чиқди:

➤ Кусаев Рустам Аширович – миноритар акциядор.

Маърузачи ўз чиқишида Банкнинг имтиёзли акцияларини иккиламчи фонд бозорига 40-45 сўмдан сотилишини маълум қилиб, уларни номинал нархдан (19 сўм) сотиб олиши учун шароит яратиб бериш ва Банк Бошқаруви томонидан Банкнинг Устав капиталидаги давлат улушини акциядорларга сотиш ишларини фаоллаштиришни сўраган.

➤ Эшжанов Жасурбек Шихназарович - “Ишонч” суғурта компанияси вакили. Маърузачи Банк Бошқарувидан Банк Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган кундан бошлаб дивиденд тўловларини ўзок муддатга чўздирмасдан амалга оширишни сўраган.

Умумий йиғилиш Раиси У.Мухтаров янги ишлаб чиқилган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегиясини амалга оширилиши молиявий бозорда банкнинг ўрнини янада мустахкамлашига, инвесторлар учун учун жозибадорлигини ошириши мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳамда киритилган таклифлар ва овоз бериш яқунларини ҳисобга олган ҳолда, Акциядорлар Умумий йиғилиши - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни республика иқтисодиёти ва банк тизимини ислох этиш ҳамда миллий иқтисодиётдаги ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Ҳукумат қарорларини бажариш йўлида барқарор фаолият юритаётганлигини қайд этди.

2018 йил яқунлари бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Ахбор-Рейтинг” миллий рейтинг компаниясининг “uzA+” даражасидаги «Ижобий» прогноз билан юкори рақобатбардошлик рейтингини қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, банк кредит портфелини янада диверсификациялаш, банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва иқтисодиётни реал сектори бўйича инвестицион жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш, банк молиявий хизматлар турини янада қупайтириш ва сифатини ошириш, молиявий кўрсаткичларни янада яхшилаш, инвестицияларни жалб қилиш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган қарорлар ва дастурларни бажаришда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг фаоллигини ошириш мақсадида, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти коникарли деб топилсин;

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз

“ёқлайман” - 103.398.869.750 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман - 5.800 овоз.

2. Банк Тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.
Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз
“ёқлайман” - 103.398.875.550 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” - йўқ.
3. Банкнинг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.
Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз.
“ёқлайман” - 103.398.875.550 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – йўқ
4. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.
Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз
“ёқлайман” - 103.398.844.750 овоз, “қаршиман” – 25.000 овоз, “бетарафман” – 5.800 овоз.
5. Банк Кенгаши тавсия этган банк фойдасини тақсимлаш тартибига розилик билдирилсин. Тақсимланиши лозим бўлган 236 884,1 млн. сўм фойда қуйидагиларга йўналтирилсин:
- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга – 11.844,2 млн. сўм;
 - “Стандарт” деб таснифланган активлар бўйича захира – 151.300,0 млн. сўм;
 - Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 1.616,9 млн. сўм;
 - Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 71.350,2 млн. сўм;
 - Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини тақдирлашга — 480,1 млн. сўм.
 - Тақсимланмаган фойдадан қолаётган қолдиқ маблағ – 292,7 млн.сўм
- Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз
“ёқлайман” - 103.398.841.605 овоз, “қаршиман” – 30.800 овоз, “бетарафман” – 3.145 овоз.
- 5.1. Банк акциялари бўйича 2018 йил учун дивидендлар тўлаш ҳақидаги Банк Кенгашининг таклифи қабул қилинсин ва қуйидаги миқдорда дивидендлар тўлансин:
- имтиёзли акциялар бўйича йиллик 23% ҳисобидан 1.616,9 млн. сўм;
 - оддий акциялар бўйича йиллик 3,3% ҳисобидан 71.350,2 млн. сўм.
- Дивидендларни тўлаш акциядорларнинг ҳисоб варақларига пул ўтказиш орқали мазкур қарор тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг, лекин ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган мuddатда, яъни 08 июлдан 27 августгача амалга оширилсин.*
- Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз
“ёқлайман” - 103.398.841.605 овоз, “қаршиман” - 30.800 овоз, “бетарафман” - 3.145 овоз.
6. Санок комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишига қолдирилсин, мазкур акциядорлар умумий йиғилишини жорий йил июль ойи якунигача ўтказилиши ва ушбу йиғилиш ўтказиш кунгача 2018 йилда сайланган Банк Кенгаши ваколатини чўздирилсин.
- Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз
“ёқлайман” - 103.398.875.550 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” - йўқ.

7. Санок комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Тафтиш комиссияси таркибига аъзоларини сайлаш масаласи навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишига қолдирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз.

“ёклайман” - 103.398.875.550 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” - йўқ

8. Банк Бошқаруви аъзолари - Бошқарув Раиси Азиз Ботирович Воитов, Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Сахи Сапармухамедович Аннакличев, Бошқарув Раиси ўринбосарлари Яшин Мамаражабович Абдуроззоков, Анваржон Абдумажитович Эргашев ва Зафар Абдумажидович Азимов. Юридик департамент директори Бахриддин Нуритдинович Норхужаев, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори Ойбек Розикович Вохидов билан тузилган меҳнат шартномалари бир йил муддатга узайтирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз

“ёклайман” – 103.398.850.550 овоз, “қаршиман” - 25.000 овоз, “бетарафман” - йўқ.

9. 2019 молия йили бўйича Банкда аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Deloitte & Touche” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин, унга тўланадиган энг кўп ҳақ миллий валютанинг эквиваленти 170.000 АКШ доллари (Қўшилган қиймат солиғисиз) миқдоридан белгилансин ва у билан шартнома тузилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз

“ёклайман” – 103.398.850.550 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – 25.000 овоз.

10. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси” тасдиқлансин ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2018-2022 йиллар учун ривожланиш стратегияси” бекор қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз

“ёклайман” – 103.396.218.973 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” – 2.656.577 овоз.

11. Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва у қайта тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз

“ёклайман” - 72.229.257.332 овоз, “қаршиман” – 31.166.961.641 овоз, “бетарафман” – 2.656.577 овоз.

12. Банкнинг янги эмблемаси (логотипи) тасдиқлансин

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз

“ёклайман” - 103.396.213.173 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” - 2.662.377 овоз

13. Банкнинг Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз

“ёклайман” - 103.396.213.173 овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” - 2.662.377 овоз.

14. “Банк акциядорларининг умумий йиғилиш тўғрисида”ги Низом (регламент)и янги таҳрирда тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз
“ёқлайман” - 103.396.213.173 овоз, “қаршиман” – 25.000 овоз, “бетарафман” – 2.637.377 овоз.

15. “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз
“ёқлайман” - 103.396.213.173 овоз, “қаршиман” – 25.000 овоз, “бетарафман” – 2.637.377 овоз.

16. “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 103.398.875.550 овоз
“ёқлайман” - 103.396.213.173 овоз, “қаршиман” – 25.000 овоз, “бетарафман” – 2.637.377 овоз.

**Акциядорларнинг умумий
йиғилиши Раиси:**

У. Мухтаров

Йиғилиш котибияти:

З. Баймурадова

А.Визер

ASLIGA TO'G'RI

